



# BUKHORO AMIRLIGI TUGATILISHI ARAFASIDA MADANIY HAYOT (1920-1924)

Ҳамза ЖЎРАЕВ,

Чирчиқ давлат педагогика институти

**Калит сўзлар:** Туркий, форсий, семитлар, миллий таркиб, маориф, жаҳид, татар, Низом лойҳаси.

Бухоро ўзининг қарийб 3000 йиллик тарихи давомида тараққиётнинг турли босқичларини бошдан кечирди. Кўп асрлар мобайнида турли сулола ва давлатларнинг пойтахти, маданият, илм ва фан маркази сифатида донг таратди [1]. Бухоро амирлиги мавжуд бўлган даврда маҳаллий аҳоли туркий ва форсий тилда сўзлашар эди.

Бухорода истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг миллий таркиби уч гуруҳга бўлинади:

- 1) туркий халқлар – 978.000 атрофида (63,9 фоиз), ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар (охирги иккитаси камсонли ҳисобланган);
- 2) эронийлар – тожиклар ва унча катта бўлмаган форслар ҳамда афғонлар бўлиб, булар 484.000 атрофида (31,6 фоиз);
- 3) семитлар – араблар ва Бухоро яҳудийлари ҳисобланиб, улар 54.000 (3,5 фоиз)ни ташкил этган.

Шу билан биргаликда республиканинг бир неча шаҳарларида рус фуқаролигидаги аҳоли (12.000 киши ёки 0,8 фоиз) ҳам истиқомат қилган. Уларнинг аксарияти темирйўл бекатлари атрофида жойлашган эди. Умумий таркибдаги қолган халқлари 3000 киши (0,2 фоиз) бўлиб, унинг ярмини арманлар ташкил этган.

Бухоро республикасида истиқомат қилувчи халқларнинг кўпчилигини ўзбеклар ташкил қилиб, уларнинг 778.000 (50,7фоизи) кишидан иборат бўлган. Бухоро воҳасининг шимолий- ғарбий чегарасидаги ўзбеклар ва қozoқлар ўртасидаги ҳудудда қорқақалпоқлар (2100 киши атрофида ) яшаган[2].

Хулоса қилиб давлат миллатга хизмат қилиши лозим эди, аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси мамлакатнинг фақат иқтисодий тараққиёт даражаси билан эмас, балки ижтимоий соҳалар тараққиёти даражаси билан ҳам ифодаланади. Шу билан бирга маҳаллий халқни ҳуқуқини поймол қилиш уларга нисбатан бой – феодалларча муносабатда бўлишни тарк этмаганлар. Бухоро амирлиги ҳудудда дастлабки "усули савтия" – усули жаҳид мактабларининг очилиши Садриддин Айний ва Мирза Абдулвоҳид Мунзим номлари билан боғлиқ. Садриддин Айний маълумотларига кўра, Бу-



хорода татар муаллимлари очган усули жаид мактаблари мавжуд эди. Айний ва Мунзим ушбу татар мактабларидаги ўқитиш усуллари ўрганадилар ва ўз мактабларига татбиққиладилар. Мактабдорлар Мирза Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний, Аҳмаджон Ҳамдий Бухорода фаолият кўрсатётган татар муаллими Холид Бурнашев мактабига борадилар, таълим қоидаларидан тортиб, дарсхона тартибига, ўқитиладиган илмлардан тортиб, китоб ва дарсликларига танишадилар, маълумотлар оладилар. Бухоронинг илғор кучларини бирлаштириш учун жамият керак эди. Бухоро жаидлари: Аҳмаджон Ҳамдий, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳрий, Садриддин Айний, Хожа Рофеъ, Мукамал Бурҳон "Тарбия атфол" ("Болалар тарбияси") номли яширин жамият туздилар. Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жаид мактаблари яна бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомида сиёсий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унда Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар яшаш кўзда тутилган эди. Жамиятнинг бирламчи масаласи Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро эски мактабларини ислоҳ қилиш иши амалда бошланган бўлса-да, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илми, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун "Тарбия атфол" жамияти иқтидорли ёшларни Оренбург, Уфа, Қозон, Богчасарой, Истанбул каби шаҳарларга ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқистикболи, маърифати учун жон куйдирувчи мулкдорлар ҳам, иқтисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат арбоблари ҳам топилди. Жамиятнинг катта саъй-ҳаракати натижасида унинг дастлабки йилиёқбир гуруҳ ёшлар Истанбулга ўқишга юборилди. Садриддин Айний бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли (1878 - 1968), унинг биродарлари Атохўжа (1894 - 1938), Мазҳар Маҳзум Бурҳон Маҳзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар қилдилар. Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди".

Бухоро жаидларининг, "Тарбия атфол" жамиятининг ўз олдига қўйган улғу мақсадларидан яна бири ўз матбуот органига эга бўлиши эди. Туркистон жаидлари "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Тужжор", "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона" каби қатор газеталар нашр қилдилар. Улар Бухоро мутафаккирларига ҳам кучли таъсир кўрсатган эди [3].

Хулоса қилиб янги усул жаид мактаби тарафдорлари янги ҳукумат тўғри йўлда бўлса жаидлар давлат ёнида бўлган, агарки янги ҳукумат нотўғри йўлда бўлса жаидлар миллат ёнида бўлган.

Бухорода маориф нозирлиги томонидан мактаб таълими тўғрисида низом лойҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа 4 тоифали таълим муассасалари кўзда тутилган: 1) бошланғич, 2) ўрта, 3) махсус 4) олий, буларнинг орасида фақат бошланғич ва ўрта мактабларни сақлаш мумкин бўлган университет



ва махсус ўқув юртлари ва университет таълими ҳали Бухорода тан олинмаган.

Низомда бошланғич синф курси 5 йил қилиб белгиланган бўлиб, унда болалар меҳнат ҳаёти учун тугалланган таълим олишлари керак, яхши ўқийдиган таъминоти яхшиоиладаги болаларга ўрта мактабларда таълим олиш тавсия қилинади.

Қуйи бошланғич мактабда таълим 8 ёшдан бошланади, ҳатто 7 ёшдаги болалар мактабга қабул қилиниши мумкин бўлса-да, мусулмон мактабларининг чекланган сони кўпроқбўлгани учун 13 ёшида ҳам биринчи синфдаги болаларни қабул қилишга рухсат берилади.

Ўрта мактабда таълим курси 3 йилга белгиланган бўлиб, унга бошланғич мактабни тамомлаганлар ва 25 ёшгача қабул қилишга рухсат берилди. Мактаблар тўғрисидаги Низомда махсус курсларда дарсдан ташқари таълим ҳам кўзда тутилган бўлиб, унинг дастури кейинчалик ишлаб чиқилди ва 2 йилга мўлжалланган. Ушбу курсларга 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган талабалар қабул қилиниши лозим. 20 ёшдан ошган талабалар учун 3-4 ойлик саводхонлик курслари очилади. Бошқа фанлар қатори бошланғич мактабларда қуйидаги фанлар ўқитилиши лозим: 1) туркий тил, 2) математика, 3) география, 4) қўл меҳнати, 5) графика, 6) гимнастика, 7) тарих 8) рус тили. Ўрта мактабларда эса қуйидаги фанлар ўтилади 1) туркий тил, 2) математика, 3) физика, 4) чет тиллар, рус ва араб тиллари, 5) тарих, 6) сиёсий иқтисод, 7) география, 8) қўл меҳнати 9) мусиқа.

БХСР даги мактабларда кўзда тутилган таълим режаси ана шулардан иборат. Бутун лойиҳалаштирилган низомнинг энг муҳим томони Бухоро ҳудудидаги барча фуқаролар учун бошланғич мактабни тугатиши мажбурий деб эътироф этилсин, жойлардаги ҳукуматлар 25 ёшга кирмаган шахсларни саводсизлигини тезлик билан бартараф қилишга киришсин.

Ўз - ўзидан маълумки, маориф нозирлиги томонидан кўзда тутилган мактаб таълими дастурини амалга оширилиши агар ўқитувчилар йўқлиги ҳисобга олинса, улкан кучни талаб қилади, лекин биз бу ишда ҳеч қандай тўсиқолдида тўхтамаслигимиз керак ва бу ишга ёш республиканинг барча жонли кучи жалб қилиниши керак. Ушбу жонли кучларни мактаб таълимоти каби оғир ва маъсулиятли ишга жалб қилиш учун маориф ишларига тирикчилик учун четдан иш изламасликлари учун юқори иш ҳақи ўрнатилсин. Бунга ҳар қандай ҳолатда ҳам йўл қўймаслик керак, чунки мактаб ходимининг иши ҳар доим қўл билан тўланади. Шуни унитмаслик керакки, ҳар бир мактаб ходими, қўшимча даромад илинжида четда қўшимча иш билан шуғулланса давлатга катта зарар етказади, айниқса халқтаълими бизда жуда паст даражада турганда, ота - оналар болаларини олий маълумот олишлари учун узоқўлкаларга жўнатишга мажбур бўлишади.

Шу боис, бошланғич ва ўрта таълим мактаблар тўғрисидаги Низом лойиҳаси ишлаб чиқиш билан бир қаторда, маориф назарати, шунингдек, мактаб ходимлари тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқишни бошлайди



ва улар учун халқтаълими бошқа қўшни давлатларга нисбатан ривожланишида орқада қолмайдиган барча зарур шарт-шароитларни яратади[4].

Хулоса қилиб БХСРда истиқомат қилувчи турли маҳаллий миллат вакилларининг хусусиятлари инобатга олинмади, асосан ёшлар ва катталар онгига капитализм устидан социализм ёлгон ғалабаси сингдириб борилган. Аҳолининг мулкчиликка бўлган муносабатини ўзгартириш мафкура-си илгари сурилган.

### Адабиётлар

1. Рашидов У., Рашидов Ў. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий иқтисодий жараёнлар. "Бухоро" нашриёти. 2011. Б. 5.
2. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917– 1933йй). Тошкент Наврўз нашриёти. 2020. Б. 49–53.
3. Айний Садриддин. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. 8 томлик, 1–том. – Т.: 1963. – Б.233.
4. Г. Рубинштейн. Школьное образование. Известия. 1922 г. 18 июля.

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада БХСР да истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг миллий таркиби ва уларнинг муаммолари, татар муаллимлари очган усули жаид мактаблари, ўқитиш усуллари, болалар тарбияси, уқув муассалари-ни тубдан ислох қилиниши, Бухорода мактаб таълими тўғрисидаги низоми, ўқитувчи кадирлар муаммоси ёритилган.

### RESUME

This article highlights the ethnic composition of the local population living in the BNSR, and their problems, the method by which Tatar teachers opened Jadid schools, methods of teaching, raising children, a radical reform of educational institutions, the Charter on school education in Bukhara, the problem of teaching staff.